



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 26 июль, шанба, №77 (3578).

»» Президент

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ВА СИЁСИЙ ҲАМФИКРЛИК

KAZINFORM. Қасим-Жўмарт Тўқаев Шавкат Мирзиёевни таваллуд куни табриклади ва ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

Бугунги кунда қардош халқлар ўртасидаги муносабатлар, айниқса, Ўзбекистон ва Қозоғистон орасидаги дўстона алоқалар нафақат икки мамлакатнинг, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг тинчлиги, барқарорлиги ва тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилмоқда.

Айни шундай юксак маънавий руҳда, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан телефон орқали мулоқотда бўлди. У суҳбат аввалида қўшни давлат раҳбарини таваллуд айёми билан самимий муборакбод этиб, унга масъулиятли

давлат раҳбарлиги йўлида муваффақиятлар тилади.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйганини, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда улкан натижаларга эришилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида томонлар икки мамлакат ўртасидаги дўстона ва иттифоқчиликка асосланган муносабатларни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратдилар. Хусусан, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб, янги босқичга кўтарилмаётганини қайд этилди.



Суҳбатда Қозоғистон раҳбари бутун минтақанинг барқарорлиги ва тараққиёти кўп жиҳатдан айнан Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг муштарак саъй-ҳаракатларига боғлиқ эканини ҳам таъкидлаб ўтди. Шу боис, томонлар sanoat, energetika, transport, logistika ва қишлоқ хўжалиги каби устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан аниқ

чора-тадбирларни муҳокама қилдилар. Шунингдек, суҳбат давомида икки томонлама ва халқаро доирадаги олий даражадаги учрашувлар тақвими кўриб чиқилиб, минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Бу мулоқот икки халқ ўртасидаги мустаҳкам ришталарнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.



“МАРКАЗИЙ ОСИЁ” КООПЕРАЦИЯ МАРКАЗИ УЧУН ЗАМИН ҲОЗИР ЛАНМОҚДА

Туркистон вилоятининг Мақтаарал туманида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ишлаб чиқариш ҳамда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг янги босқичи бошланди.

Мазкур туманда жойлашган «Атамекен» божхона бекати яқинида бунёд этиладиган «Марказий Осиё» халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси маркази ҳудудида инфратузилма барпо этиш ишлари расман бошлаб юборилди.

Қурилиш майдонида ўтган махсус йиғилишда Туркистон вилояти энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбари Тўхтар Усубалиев, вилоят қурилиш бошқармаси раҳбарининг

ўринбосари Байдулла Ўразбеков, Мақтаарал тумани ҳокимининг ўринбосари Бижан Анарбеков, шунингдек, пудратчи ташилотлар ва тегишли туман бўлимларининг раҳбар ҳамда вакиллари иштирок этди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Тасвирда: марказнинг макети (сунъий идрок ёрдамида ишланган).

Юрт келажаги – инсон қадрли ва фаровонлигида. Ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, меҳнати ва эртанги куни давлат ҳимоясида бўлиши, албатта, адолат ва барқарорлик мезонидир. Мана шу қадриятлар асосида Қозоғистондаги пенсия тизимида яна бир муҳим қадам ташланди – мамлакат фуқароларига ягона пенсия ҳисоб-китоб расмийлаштирувчи ҳужжат, яъни иш берувчининг мажбурий пенсия бадаллари тақдим этиляпти.

Бугунга келиб, 5,1 миллион нафар қозоғистонлик ушбу ҳужжатни олди. Бу нима дегани? Нега иш берувчининг мажбурий пенсия бадаллари ҳар бир фуқаро учун зарур?

ПЕНСИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТИ – ҚЎЛИНГИЗДА

Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Zakon.kz ахборот порталига қизиқарли статистик маълумотларни тақдим этди.

2025 йил 1 июль ҳолатига кўра, мамлакат бўйлаб иш берувчилар 5,1 миллион нафар ходим фойдасига мажбурий пенсия бадалларини тўлаб берган бўлиб, умумий қиймат 464 миллиард тенгени ташкил этди. Бу маълумот 2025 йил 22 июль куни вазирлик томонидан расмий равишда эълон қилинди.

Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги 2024 йил

5,1 МИЛЛИОН ФУҚАРО ИШ БЕРУВЧИНING МАЖБУРИЙ ПЕНСИЯ БАДАЛЛАРИНИ ОЛДИ



1 январдан эътиборан мамлакатда иш берувчилар томонидан тўланадиган мажбурий пенсия бадаллари жорий этилганини эслатди.

Ушбу бадаллар иш берувчиларнинг маблағлари ҳисобидан, ходимлар фойдасига тўланади.

2024 йилда унинг миқдори 1,5 фоизни, 2025 йилда эса 2,5 фоизни ташкил этмоқда.

Режага кўра, 2028 йилга келиб бу кўрсаткич босқичма-босқич 5 фоизга етказилади. Шунингдек, вазирликнинг таъкидлашича, иш берувчилар томонидан мажбурий пенсия бадалларини тўлаш ходимларни кексалик даврида умрбод қўшимча тўплав пенсия тўловлари билан таъминлаш имконини беради.

Ушбу чора ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, келгусида улар оладиган пенсия миқдори тўланган пенсия бадаллари ҳажмига бевосита боғлиқ бўлади.

Шунингдек, таъкидлашича, ушбу бадаллар фақат 1975 йил 1 январдан кейин тузилган шахслар учун тўланади ва фақат иш берувчилар томонидан амалга оширилади.

Иш берувчининг ушбу бадалларни тўлаш бўйича харажатлари Қозоғистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинадиган даромадан чиқим сифатида ҳисобга олинади.

Шунинг учун ҳам, иш берувчига тушадиган молиявий юклама мақбул даражада қолади.

Иш берувчи томонидан тўланадиган мажбурий пенсия бадаллари нима учун керак?

1. Шаффоқлик – ҳар бир фуқаро ўзининг пенсия ҳисоби юритилаётганини билиб туради.

2. Аниқлик – маълумотлар давлат томонидан рақамли тарзда юритилади, адашиш ва йўқолиш хавфи йўқ.

3. Ҳуқуқий ҳимоя – пенсия тайинлаш вақти келганда, инсоннинг фаолияти давомидаги барча маълумотлар тайёр ҳолатда бўлади.

4. Келажакни режалаштириш – ёшидан қатъиназар, ҳар бир шахс ўзининг пенсиявий ҳолатини назорат қилиши мумкин.

Пенсия – бу нафақат кексалик нафақаси, балки давлат ва фуқаро ўртасидаги ишонч рамзи, меҳнатга берилган баҳо ва инсоний қадрнинг кафолатидир. Иш берувчининг мажбурий пенсия бадаллари эса шу йўналишдаги муҳим қадамлардан бири сифатида эътироф этиляпти. Янги рақамли ҳужжат орқали ҳар бир фуқаро ўз келажаги учун масъуллиқни ҳис этиди ва давлат эса унинг ҳақ-хуққини ҳимоя қилиши давом эттиради.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.



Ҳар бир инсон учун она Ватан – киндик қони тўқилган муқаддас замин қадрли. Унинг ҳар ҳовуч тупроғи, сўлим боғлари, сарҳадсиз саҳроларидаги янтоғи, тоғларининг шаршараларига – барчаси бебаҳо. Жаннатмақом юртимизнинг тилла бошоқлари, ширин-шакар узумлари, “тилла танга” каби сузиб юрган балиқлари – буларнинг барчаси инсон қалбиди фахр ва муҳаббат уйғотида. Бу ҳислар халқнинг юрағидаги Ватан туйғусини, унинг ҳуқуқий ва маънавий асоси бўлмиш Қозоғистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу асосий қомус мустақиллик пойдеворини белгилаб, тинчлик, барқарорлик ва инсон қадрини улуғлайди.

Мана шундай мўтабар заминда қад ростлаган Туркистон шаҳри – буюқ тарих ва мукамал келажак мужасамлашган маскан. У вилоят марказига айланishi билан янги тараққиёт даврига қадам қўйди. Бунёдкорлик ишлари давом этмоқда, шаҳар гўзал боғлар, хиёбонлар, фавворалар билан безатилмоқда. Бу ўзгаришлар мамлакатда қабул қилинган қонун устуворлиги ва Конституцияда белгиланган фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Конституцияда белгилаб қўйилган “ҳар бир фуқаро муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқига эга” деган қоида бугун амалда ўз тасдиғини топмоқда.

Бу ўзгаришлар фақат Туркистон билан чекланиб қолмаяпти. Вилоятнинг барча туманларида ҳам ободончилик ва ижтимоий лойиҳалар жадал суръатларда амалга оширилмоқда. “Туғилган ер” лойиҳаси бу борада муҳим қадамлардан бири бўлди. Унинг доирасида 3500дан зиёд тадбир ўтказилиб, 1 миллионга яқин одам иштирок этди. Ҳомийлар 577та лойиҳа учун 31 миллиард 467 миллион тенге сарфламоқда. “Атамекен”, “Маънавий хазина”, “Тарбия ва билим”, “Ахборот тўлқини” каби йўналишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ана шундай хайрли ишлар қаторида “Улес” хайрия жамғармасининг эҳтиёжманд оилаларни бошпана билан таъминлаётгани наинки моддий, балки маънавий таянч, Ватан бағридаги меҳрни қайта туйдириш бўлмоқда. Ушбу хайрли ишлар ортида фақат савоб излаган пок ниятли инсонларнинг тинмас ҳаракати мужасам. Улар бир оиланинг эса, бутун жамиятнинг бахт ва тотувлик пойдеворини қўяётгандек. Улар қурган уйлар фақат девордан эмас, меҳр, дуо ва садоқат асосида барпо этилган. Бу каби хайрли ишлар Қозоғистон Конституциясидаги ижтимоий адолат ва инсон шаънини ҳимоя қилиш тамойилларига мос ҳолда амалга ошириляётгани, унинг ҳаётдаги амалий ифодасидир. Бу инсонлар кўп ҳолларда оммавий ахборот воситаларида тилга олинмайди. Улар учун энг олий муқофот – ҳамюртларнинг шодлиги, оқсоқоллар дуоси, она юртининг тинчлиги ва осойишталиги.

Янги Қозоғистон – нафақат давлат сиёсатида, балки халқнинг қалбиди ҳам янгилашмоқда. Бу янгилаш жараяни Конституцияда белгилаб берилган тамойиллар асосида – адолатли жамият барпо этиш, фуқаролик жавобгарлиги ва инсонпарварлик руҳида давом этмоқда. Бугунги Қозоғистон – қонун устувор бўлган, инсон қадрли улугланган давлатдир. Меҳр, шафқат ва инсонпарварлик – янги давр фалсафасининг асоси бўлиб бормоқда. Аслида, бу уйлар нафақат ерда, балки одамларнинг қалбиди ҳам барпо этилмоқда. Бу уйлар жамиятимизнинг энг мустаҳкам қўргони, эзгулик пойдевори, инсонийликнинг юксак намунасидир!

Буларнинг барчаси – истиқлол неъматлари, Президентимизнинг оқилона сиёсати ва халқ билан яқин мулоқотга асосланган бошқарувининг самарасидир. Аҳмет Байтурсинов айтганидек: “Болам деган юрт бўлмаса, юртим деган фарзанд қаёқдан келади?”

Бу гаплар бежиз айтилмаган. Ватанпарварликнинг, тарбиянинг, қалб софлиги ва йимоннинг моҳияти тарбияда. Бугун бизга ҳам шундай фарзандлар керак – юртга садоқатли, юрағида юртининг тупроғи ва оталар сўзи билан яшайдиган, меҳнат ва ибратга сунган болалар. Мана шундай фарзандлар етишиб чиқиши учун эса Конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва бурчлар, қадриятлар ва миллий анъаналар асосида таълим-тарбия бериши давом эттиришимиз лозим. Бу – тинч ва фаровон келажакнинг кафолатидир.

Авазхон АБДУФАТТОВ.

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛГА МАРҲАБО!



Туркистон шаҳри ҳокими Азимбек Пазилбекули шаҳарда бунёд этилган “Хунармандлик шаҳарчаси” мажмуасининг қурилиши билан танишди.

Шаҳар ҳокими қурилиш жараёни билан яқиндан танишаркан, шаҳарча халқона анъанавий хунармандчиликни кўз-кўз этадиган, шунингдек, сайёҳлар учун қизиқарли маданий марказга айланишини таъкидлади. Соҳа мутаассаддиларига қурилишни сифатли ва белгиланган муддатда тугаллашни, мазмун-моҳияти жиҳатидан юксак савия намойиш этиш вазифасини юкляди.

Таъкидлаш жоизки, 21-23 август кунлари Туркистон шаҳрида халқаро даражадаги маданий тадбир – “Туркистон – хунармандлар шаҳри” халқаро фестивали ўтади. Унинг доирасида меҳмонларга миллий нақшдаги хунармандчилик буюмлари кўргазмаси, турли этнос вакилларининг миллий таомлар ярмаркаси, ёшларга бағишланган автофестиваль, ҳаво шарлари шоуси, мушакбозлар шоуси ва жонли музыка намойиш этилади. Бундан ташқари, оилавий ҳордиқ учун турли маданий тадбирлар уюштирилади.

Фестиваль Туркистон шаҳридаги Маданий-маънавий марказда ўтади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ПРЕЗИДЕНТ МАСЛАХАТЧИСИ ҚЎРИҚХОНАЛАРНИ ОРАЛАДИ

ҚР Президентининг маслаҳатчиси – Халқаро экологик ҳамкорлик бўйича махсус вакили Зулфия Сулейменова Кентов шаҳрига ташриф буюрди.



бирга экотуризм муҳим омилга айланишини қайд этди.

Сафар давомида, меҳмонлар қўриқхонадаги тарихий жойга – “Хон тоғи”нинг бир қисмига ташриф буюришди ва у ердаги табиат билан танишишди. Бундан ташқари, лаборатория иши билан танишиб, қўриқхона ходимлари билан суҳбатлашди. Бу ерда камёб ҳашаротлар сақланади ва тадқиқот ишлари олиб борилади. Шу куни Президент маслаҳатчиси

Туркистон шаҳридаги “Ёшлар истироҳат боғи” ва “Сирдарё-Туркистон” давлат минтақавий табиат боғида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Мазкур боғлар экологик тарғибот, аҳоли онгини юксалтириш ва яшил муҳитни кенгайтириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

БЮДЖЕТ БАРҚАРОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ



ВИЛОЯТ МАРКАЗИДА СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ВА МАХАЛЛИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИ КЎРИЛДИ

Вилоятда 2024 йилнинг натижасига кўра, ялпи минтақавий маҳсулот 4,5 трлн. тенгга етди, аниқ ҳажм кўрсаткичи 2023 йилга нисбатан 108 фоизни ташкил этди. Умумий ҳудудий маҳсулот таркибида маҳаллий даромадлар улуши 4,9 фоизни ташкил қилди.

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев раислигида ўтган йиғилишда маҳаллий даромадларни ошириш масаласи муҳокама қилинди. Вилоят раҳбари мутасадди бошқармалар раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларига ишлаб чиқариш корхоналарини очиш, маҳаллий даромадлар ва солиқ тушумларини кўпайтиришга доир ишларни жонлантиришни топширди.

Мажлисида вилоят иқтисодиёт ва бюджетни лойиҳалаш бошқармаси раҳбари

Қанат Қайипбек ва Туркистон вилояти бўйича Давлат даромадлари департаменти раҳбари Мақсат Нурахаевнинг ҳисоботи тингланди.

Маъмурлаштирув ишлари натижасида бу йил 6 ой натижаларига кўра, солиқ даромадлари бўйича вилоятда юксалиш даражаси 132,3 фоизни ташкил этиб, минтақа республика миқёсида 1-ўринга чиқди.

Бинобарин, солиқ соҳасида ҳали анча долзарб масалалар бор. Ушбу муам-

молар очиқ айтилди. Масалан, хусусий болалар боғчалари сони давлат болалар боғчаларига нисбатан бир неча баравар кўп бўлса-да, солиқлари бир хил даражада қолмоқда. Шунингдек, Тўлебий, Сарюғоч туманларида дам олиш масканлари сони ортиб бораётган бўлса-да, солиқ тушумларида сезиларли ўсish кузатилмайд.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш, хуфёна иқтисодиётни қисқартириш ва ҳар бир даромад манбаини ҳисобга олиш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Вилоят “Жамоат тотувлиги” ДKK ташаббуси билан Қозоғистон халқи Ассамблеясининг “Дўстлик қарвони” лойиҳаси Сайрам ва Тўлебий туманларида давом эттирилди.

ДЎСТЛИК ҚАРВОНИ – САЙРАМ ВА ТЎЛЕБИЙ ТУМАНЛАРИДА

Лойиҳадан кўзланган мақсад – Қозоғистон халқи Ассамблеяси таркибидаги этномаданият бирлашмалари аъзоларининг аҳоли билан учрашувларини, этнослараро муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг олдини олиш мақсадида ёшлар, маданият ва бошқа ижтимоий тузилмалар иштирокида мулоқот майдонларини ташкил этишдан иборат.



камлаш ҳақида сўз юритдилар.

Тадбир қатнашчилари ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этишди. Йиғилиш давомида этнослараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ёшлар тарбияси, зарарли гоьлардан сақланиш ва кенгашлар фаолиятини янада жонлантириш масалалари муҳокама қилинди, қатнашчилар томонидан берилган саволларга жавоблар тақдим этилди.

“Дўстлик қарвони” лойиҳаси Тулкибош туманида давом этди.

Этнослараро муносабатлар, маданиятлар уйғунлиги, фаол фуқаролик нуқтаи назари – буларнинг барчаси жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлашда ҳал қилувчи омиллардир. Шу маънода, “Дўстлик қарвони” лойиҳаси нафақат ташриф, балки халқ қалбига нур улашувчи, тинчлик фалсафасини тарқатувчи саъй-ҳаракатдир.

Ҳар бир сўз, ҳар бир мулоқот, ҳар бир самимий учрашув ортида меҳр бор, ҳурмат бор, энг муҳими – халқ ва давлат ўртасидаги ишонч бор.

А. АБДУФАТТОҲ, Муаллиф тасвирлари.



Тадбирда Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзолари, маҳаллий Оқсоқоллар ва Оналар кенгашлари вакиллари, шунингдек, турли этносларга мансуб ёшлар иштирок этдилар.

“Дўстлик қарвони”нинг асо-

сий маърузачилари сифатида ҚХАнинг 2030-йилгача мўлжалланган Концепциясини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ аъзоси, вилоят ҚХА қошидаги илмий-таҳлилий гуруҳ раҳбари, филология фанлари доктори, профессор Сейдулла

Садиқов ҳамда вилоят ҚХА қошидаги Оқсоқоллар кенгаши раисининг ўринбосари Бахтиёр Аширалиев маъруза қилдилар. Улар мамлакатдаги бирлик ва тотувлик, этнослараро ҳамжиҳатликни сақлаш, дўстлик асосларини мустаҳ-

Ўзбек, қирғиз, қozoқ – сартимсан, уйғур, татар, туркман – туркимсан, Тожиқ, озор, ўғуз ўзингсан, бир Онадан тарқагандирсан. Бир-бирингдан ажрамагин ҳеч, гина-қудрат, ганимлиқдан кеч, Туунларни биргалашиб еч, оғаларим кеч бўлмасин кеч. Қаддинг кўтар, Она Туркистон, йиллар ўтар, қара, Туркистон!
Қўшиқдан.

Туроннинг тонгини мунаввар айлаган дўстлик



Қадим юртим, бахт бешигим – кўхна Туроним! Бу сўзлар нафақат шеърий сатрлар, балки қалбимиздан ўрин олган гурур ва ифтихор ифодаси ҳамдир. Ушбу муқаддас ном атрофида минг йиллар давомида турли халқлар ягона мақсад, ягона орзу йўлида яшаб, оғир дамларда елкадош бўлиб, тараққиёт йўлида елка бериб ҳаракат қилган.



Бугун Қозоғистон – шу азиз заминнинг, буюк Туроннинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий меросини муносиб давом эттираётган юртдир. Давлатимиз – минтақавий ва дунёвий миқёсдаги муҳим ташаббуслар, халқаро ҳамжиҳатлик сари қадам ташлаётган ва жаҳон дипломатияси саҳнасида муносиб ўринга эга бўлган мустақил мамлакатдир.

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг халқаро майдондаги теран сиёсий диди ва халқаро нуфузи орқали Қозоғистон жаҳон давлатлари билан самарали мулоқотни йўлга қўйиб, дунёвий муаммоларга ечим топишда фаол иштирок этмоқда. Аниқса, мамлакатимиз етакчисининг нуфузли халқаро анжуманларда билдирган қарашлари, тинчлик ва дўстлик сари даъватлари ҳар бир фуқаронинг қалбиде фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, «Қозоғистоннинг бойликлари кўп, лекин энг улкан бойлигимиз – миллатлараро тотувлик, тинчлик ва ҳамжиҳатликдир».

Бугун мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари тинч, осойишта ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг ҳамжиҳатлиги, ўзаро ҳурмати ва бирдамлиги Қозоғистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаётган асосий омиллардан биридир.

Бу эзгу фазилатлар тасодиф эмас – улар тарихий замин ва қадим аъналардан озикланади. Бағрикенглик, меҳмондўстлик ва ўзгага ҳурмат халқимизнинг қонига сингган, эл қалбини ёритувчи маънавий нурдир. Бу фазилатлар замонамизнинг маънавий устунлиги, тинчлик ва тотувлик пойдеворидир. Ана шундай қадриятлар туфайли юртимизда дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити қарор топган. Минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлида жойлашган юртимиз маданиятлар кесишган нуқта бўлган, шу боис миллатлар орасидаги ўзаро тушуниш, маданий ҳамкорлик чуқур илдиз отган.

Бугунги кунда ушбу қимматли фазилатларни асраб-авайлаш, бойитиш мақсадида Қозоғистон халқи Ассамблеяси фаолият олиб бормоқда. Ассамблея – мамлакатимиздаги этномаданият бирлашмалари учун асосий пойдевор, уларнинг тили, маданияти, урф-одатлари, миллий хунармандчилиги ва санъатига муносиб эътибор қаратиладиган кенг имкониятлар майдонидир. Шу орқали барча миллатлар ўртасидаги дўстлик, тотувлик ва ўзаро ҳурмат муҳити янада мустаҳкамланмоқда.

Зеро, юртимизда ҳар бир миллат ўзини эркин ва тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида ҳис этади. Улар ўртасидаги муносабатларда ҳам дўстлик ва бағрикенглик руҳи устувор. Турли халқлар маданияти бир-бирини бойитишда давом этмоқда. Бу жараён нафақат миллий, балки умуминсоний қадриятлар ривожига хизмат қилмоқда.

Шу маънода, шоир ва ёзувчиларнинг кўп тилда ижод қилиши, жаҳон адабиёти намуналарини таржима қилиши, турли маданиятлар ўртасидаги маънавий кўприкларни барпо этиши – бу ҳам этномаданиятнинг муҳим бир йўналишидир. Ҳар бир тилдаги шеъриятда, ҳар бир тилдаги асарда умумий туйғулар яшайди – севи, меҳр, бағрикенглик, ватанпарварлик.

Қозоғистонда илгари сурилаётган «Келажаги ягона миллат» гоьси юксак маъно ва мазмунга эга. Бу гоь халқлар ўртасидаги бирлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайди, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва ижтимоий бирдамликни таъминлайди.

Чунки дўстлик ва биродарлик – бу тарих синовларидан ўтган, бизнинг эл учун ҳамиша қадрли бўлган тушуналардир. Дўстлик бор жойда барака бўлади, бирлик бор жойда тараққиёт бўлади.

Агар биз оламга назар ташласак, кўрамызми, куёшнинг илк нурлари ҳам айнан Турон заминини илтилади, ўзининг бутун тафти, меҳри, қудрати, орзу ва ҳавасини бошида қор, дилида баҳор бўлган муқаддас, толеи баланд бўлган она Туркистонга тўкиб солади. Шу боис ҳам бу заминнинг ҳавоси беғубор, ер-суви серҳосил, халқи эса ор-номусли ва улғувор. Бу юртнинг дўстлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик нурлари дунёга мунаввар ёғдуларини сочиб келмоқда.

А. АБДУФАТТОҲ.

МАРДЛИК САБОҚЛАРИ – ЭЛ ҚАЛБИДА

Бу йил Буюк Ғалабаининг 80 йиллигини муносиб нишонладик. Она Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган, фашизмга қарши сафда туриб, жасорат кўрсатган ота-боларимиз, фронт ортида меҳнат қилган ҳамюртларимизнинг хотираси юртимиз бўйлаб алоҳида эҳтиром билан ёдга олинмоқда.

Орадан йиллар ўтса ҳам, жанг майдонларида ғалаба байроғини баланд кўтарган, ғалабага меҳнат жабҳасида ҳисса қўшган мардлар хотираси эл оғзидан тушмайди. Чунки улар ўз жасорати билан нафақат тарих яратдилар, балки юртимизга тинчлик ва эркинликни олиб келишди.



ИСРОИЛ ЖУМАНОВ – ҚАҲРАМОНЛИК ТИМСОЛИ

1920 йилда туғилган Исроил Жуманов 1941 йилда армия сафига қақрилиб, қисқа ҳарбий тайёргарликдан сўнг, сержант унвонини олди. У миномётчилар бўлинмаси командирининг сифатида 1943 йил июнь ойида Москва остонасидаги жангларда иштирок этди. Вязьма, Калуга, Смоленск шаҳарларини ҳам душмандан озод этишда қаҳрамонлик кўрсатди. Яраланди. Соғлиги тиклангач, сафга қайтиб, 192-дивизиянинг 76-полк командири сифатида душманга қарши жангга кирди. Ростов, Одесса шаҳарлари, сўнг Латвия, Молдавия шаҳарларини душмандан озод қилишди. Ана шу жангларнинг бирида яна оғир яраланиб, бир оғидан жудо бўлган Исроил Жуманов она қишлоғига қайтди.

У тинч меҳнат фронтда ҳам ҳалол меҳнати билан эл ишончини қозонган юрт фахрийси эди.

САЙДИЛЛАХОН ЗАББАРХОНОВ – ЛЕНИНГРАД МУДОФААСИ ҚАҲРАМОНИ

Ҳарбий хизматга қақрилганда Сайдиллаҳон Заббар-



хонов 38 ёшда эди. Ҳарбий тайёргарликдан сўнг, у Ленинград мудофаачилари қисмига жунатилди. Қўл пулемётини усталик билан бошқарган жангчи дастлаб Ленинград мудофаасида, сўнг ҳужум жанглариде қаҳрамонлик кўрсатди. Узоқ муддат қамалда қолган шаҳар билан алоқани тиклашда жонбозлик кўрсатди. Бир неча фашистни тор-мор келтириб, тўрт нафар душманни асирга олди. Оғир яраланиб, шифохонада даволанди, сўнг она қишлоғига қайтарилди. Унинг барча ҳужжатлари жанг майдониде йўқолди, аммо унинг кўксини бир неча жанговар нишонлар беэаб турарди. У 1985 йилда вафот этди.

МАЪРУФЖОН ЗОКИРОВ – “ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ” ОРДЕНИ СОҲИБИ

Сайрамлик жангчи Маъруфжон Зокиров 1920 йилда туғилган. 22 ёшида ҳарбий хизматга қақрилиб, Ғарбий фронт қўшинлари сафиде Смоленск шаҳрини фашистлардан озод қилишдаги жангларда қатнашди. Пулемёт билан ёни тўхтатиб, жасорат кўрсатгани учун М. Зокиров “Жасорати учун” медали билан тақдирланди. Ана шу жангларнинг бирида яраланиб, госпиталда даволанди. Сўнг 3-Белоруссия

фронтини кўшинлари сафиде Витебск шаҳрини озод қилишдаги жасорати учун “Қизил Юлдуз” ордени билан тақдирланди. Навбатдаги жангларда Беларуссия, Литва ва Латвия республикаларини озод қилишда фаол иштирок этди. У Ғалаба-ни Литвада кутиб олди.

1945 йил декабрида она қишлоғига қайтиб, деҳқончилик соҳасида улкан довларини забт этди. Унинг жанговар нишонлари қаторига “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени ҳам қўшилди.

Бугунги кунда ортида қолган авлоди унинг хотирасини ифтихор билан ёдга олишади.

ХОТИРА – МУҚАДДАС, ҚАДР – АБАДИЙ

Бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизга замин яратган улуг ва табаррук авлодга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак ҳам кам. Уларнинг жасоратидан ҳаёт дарсини ўрганиш, ватанпарварлик маънавиятини келажак авлод қалбига синдириш, барчамиз учун муқаддас бурч. Бугунги ёшларимиз учун бу қаҳрамонлик тимсоли, ибрат намунасиدير.

Жасур оталаримиз хотирасига таъзим бажо келтираемиз.

Мухтабар УСМОНОВА.

»» Ёднома

ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЯШАГАН ИНСОН – ЮРАКЛАРИМИЗДА АБАДИЙ

Ардоқли инсон, фидокор жамоат арбоби Қувонч Абдураҳмоновнинг вафоти ҳақидаги қайғули хабар юртимиз аҳли қалбига оғир ботди.

Қувонч ога – Сайрам туманида юртдошлар дардига бефарқ бўлмаган, одамийлиги ва юксак одоб-ахлоқи билан меҳр қозонган ардоқли шахс эди. У киши



Меҳнат фахрийси, узоқ йиллар Сайрам диёрида фахрийлар Кенгашининг раиси ва қишлоқ тубебийи сифатида хизмат қилган элга таниқли шахс Қувонч Абдураҳмонов оламдан ўтди...

У 1934 йилда Сайрам қишлоғида туғилди. Болалигидан меҳнатда тобланиб, қарийб ярим аср Сайрам туман матлубот жамиятига қарашли турли корхоналарда фаолият юритди. Нафақага чиққач, жамоат ишларида фаолият кўрсатиб, қишлоқдаги кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатди. Қувонч Абдураҳмонов қарийб 20 йил мобайнида Сайрам қишлоғининг тубебийи сифатида эл равнақи йўлида самарали меҳнат қилди.

Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини сув, газ ва электр энергияси билан таъминлаш, фуқароларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди, кўплаб хайрли ишларнинг бошқошида бўлди. У ҳар йили Буюк Ғалаба байрами арафасида УВУ қатнашчиларининг хона-

нафақат маҳаллий даражада, балки вилоят миқёсида ҳам юксак обрўга эга шахс бўлиб, юрт ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшган ардоқли фуқаролардан бири бўлган.

Жанубий Қозоғистон вилоятига раҳбарлик қилган йилларда у инсон билан танишган эдим. Шу йилларда у қишлоқни ривожлантириш тадбирларида фидойилиги билан элнинг эътиборини қозониб, йирик лойиҳалар ижросини таъминлашга залворли ҳисса қўшган эди.

Марҳумнинг ортида қолган эзгу излар, халқ дарди билан яшаган ҳаёти, келажак авлодга ибрат бўлиб қолади. У кишидан қолган мерос бу фақат хотира

эмас, балки умуммиллий қадриятларнинг амалдаги намунасиدير.

Азиз инсоннинг вафоти барчамиз учун катта йўқотишдир. У зотнинг нурли сиймоси, фидокорона хизматлари ва инсоний фазилатлари доимо ёдимизда яшайди.

Марҳумнинг яқинлари ва оила аъзолари дардини юракдан ҳис этиб, чуқур таъзия изҳор қиламиз.

Хотираси абадий, номи барҳаёт бўлсин.

**Бейбит АТАМҚУЛОВ,
Қозоғистон
Республикасининг
Ўзбекистондаги элчиси.**

ЭЛ ЖОНКУЯРИ ВА ФИДОЙИСИ ЭДИ

донларида бўлиб, уларга софга-саломлар улашар, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатар эди.

Қ. Абдураҳмонов тубебийлик фаолияти мобайнида Сайрам қишлоғи учун долзарб масалаларни вилоят ҳамда туман ҳокимлари олдида кўтариб, ҳал қилишга залворли ҳисса қўшганди. Жумладан, унинг ташаббуси билан Ленин номи жамоа хўжалиги тасарруфидаги “Қизилсув” сийҳатгоҳи хусусийлаштирилишига йўл қўйилмай, фахрийлар учун “Мейёр” дам олиш уйига айлантиришга эришилди. Шунингдек, қишлоқ марказидаги УВУ қатнашчиларининг хотирасига қад ростлаган “Номълум жангчи” ёдгорлиги қайта таъмирланди, қўш қаҳрамон З. Хусанов ва Б. Содиковларнинг ҳайкалчалари ўрнатилди. Бу жойда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Дарҳақиқат, мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиб, камчиликларни рўй-рост айтиш ва бирон натижани талаб қилиш учун инсон метин иродоли ва доворак бўлиши жоиз. Қувонч ота мана шу хислатлари билан эл орасида обрў-эътибор қозонган эди.

Унинг жамоат ишларидаги

фаолияти ҳамда кўп йиллик самарали хизматлари муносиб баҳосини олди. Қ. Абдураҳмонов “Қўрмет” ордени, “ҚР Мустақиллигига – 20 йил” медали, ҚР Президентининг “Қўрмет грамотаси”, “Нур Отан” партияси, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари, “Улуғ Ватан урушидаги Ғалабага – 60 йил”, “Улуғ Ватан урушидаги Ғалабага – 65 йил”, “Елеули еңбегі үшін” медаллари билан тақдирланди. У “Сайрам туманининг фахрий фуқароси” унвони, вилоят “Йил одами” ва “Намунали қишлоқ бийи” номинацияларининг соҳиб бўлган эди.

Қувонч Абдураҳмоновнинг ёрқин хотираси, амалга оширган эзгу ишлари унутилмайди. Унинг ҳаёт йўли ёшларга ибрат ва намуна бўлиб қолади. Ушбу мусибатли кунларда марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва яқинларига ҳамдардлик билдираемиз. Илоийм, охиратлари обод, жойлари жаннатда бўлсин!

**Сайрам туман матлубот жамияти ходимлари ва фахрийлари номидан:
Тўрегелди Қалмуратов,
Ермен ҚАЙРАТ,
Икром ЗАЙНУДДИНОВ,
Пернали МАМБЕТАЛИЕВ,
Собиржон ТУЛАМЕТОВ.**

Умр – неъмат, виждон – омонат

Инсон умри – Яратган томонидан берилган энг улуг, энг нодир неъматлардан биридир. У тўхтовсиз ҳаракатдаги соат сингари кечади. Шунинг учун ҳам аждоқларимиз: “Вақт – олтиндан ҳам қиммат”, деб бежиз айтмаган. Ҳаёт гоят тез ўтади. Аммо бу тезликда ҳар бир фурсатни ғанимат билиб яшаш, бор неъматга шукроналик ила ёндашиш – маънавий камолотимизнинг асосий тарозисидир.

Бугун сиз тонг отиши билан уйғондингиз. Тўрт мучангиз соғ, кўзингиз нурли. Сиз атрофингиздаги гўзал дунёни, ҳалол риқ билан безанган дастурхонингизни кўрдингиз. Бунинг ўзи катта неъмат эмасми? Қора қозонингиз қайнаб турибди. Яқинларингиз бағрингизда, юрт осмони мусаффо. Шундай тинч, фаровон ҳаётни насиб этгани учун шукрона қилишни ўзимизга бурч, деб билишимиз даркор.

Шукроналик – қалбни мусаффо, виждонни пок сақлайди. Киши шукр қилган сари, тинчликка ҳисса қўшган сари, яхшиликлар ўз-ўзидан зиёда бўлиб бориши турган гап. Чунки халқимизнинг тафаккурига “Хайр бор жойда – ҳосият бор” деган гоя сингдирилган.

Афсуски, ҳаётда шундай инсонлар ҳам учрайди. Улар гўёки бахт қалити қўлида, деб ўйлайди. Бойликни мақсад, мансабни эса бахтнинг ўлчо-ви деб билувчи ана шундай кишилар кўз ўнгида тинчлик, соғлиқ, руҳий барқарорлик қалби энг азиз неъматлар аризмас кўринади. Ваҳоланки, ҳар бир кунимиз – юксак қадрга лойиқ тўхфадир.

Кўзимиз билан оламни кўраётган эканмиз, қулоғимиз билан болалар шодлигини эшитяпмиз, юрагимизда меҳр ва муҳаббат бор экан – бу бахт эмасми? Ҳолбуки, айрим инсонлар борки, улар бутун умр тийилмас зулмат бағрида яшайди. Ёки бутун ҳаётини аравачага боғлаб ўтказди. Шундай инсонлар олдида биз ўз ҳаётимиз учун шукрона қилишни унутмаслигимиз керак.

Янги Қозоғистон – бу нафақат бунёдкорлик, балки инсон қалбини обод этишга қаратилган маънавий қурилишдир. Бугунги кунда фуқароларнинг ҳаёти, ҳуқуқлари, қадри ва шаъни энг устувор қадрият сифатида эътироф этилаётир. Шундай юртда яшаш, бундай давлатнинг фарзанди бўлиш – ҳар биримиз учун ифтихордир.

Энг муҳими, биз бу юртда ўз тақдиримизни ўз қўлимиз

билан ёзиш имкониятига эга-миз. Бу – эркинлик, бу – ижод, бу – раванқ сари бошланган буюк йўл.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак: умр – неъмат, виждон – омонат. Бу неъматга хиёнат қилмаслик, бу омонатни иф-лоз фирқлар, манфаатпараст ниятлар ила бўлғамаслик – ҳар бир онгли инсоннинг бурчидир. Шошилла, инсон! Бугунги тезкор замонда ҳар бир қадам, ҳар бир нафас шошилиш билан узвий боғлиқдек туюлади. Аммо инсон зотида яраша ҳаёт на шошилиш, на ўзини йўқотиш билан баҳоланмайди. Ҳаёт Оллоҳ томонидан берилган бебаҳо неъмат, унинг ҳар лаҳзасида маъно, муҳаббат ва шукроналик мавжуд.

Шошилиб, юракни чарчатиб, вақтини ортиқча эҳтирос ва хавотир билан ўтказган инсон ҳаётнинг ҳақиқий мазмунидан маҳрум қолади. Зеро, юракнинг сукутида, тафаккурнинг сокин оламида ҳаётнинг тиниқ манбаи яшайди.

Ҳар бир кунга шукр қилиб яшаш – руҳиятнинг озуқасидир. Шукрона туйғуси бўлган юрак учун барча эшиклар очилади, ўша хонадондан барака кетмайди.

С. МИРЗО.

МЭМС жўйесинде не өзгерістер бар?

Егер сіз ресми түрде жұмыс істемесеңіз және МЭМС жўйесинде сақтандырылмаған болсаңыз, мәртебені бір жылға қалай ала аласыз?

Бұрын жўйеде “сақтандырылған” мәртебесі соңғы 12 айға журналлар толық төленсе ғана берілетін. Осы кезеңде тіпті бір айға жарна төленбесе, қарыз пайда болып, оны өтеуге тура келетін.

Ал қазір МЭМС туралы заңға енгізілген өзгерістерге

(05.09.2022 ж.) сәйкес, өткен жылдың қарызын өтемей-ақ, алдағы бір жылға сақтандырылу мәртебесін алуға болады.

Ол үшін келесі 12 айға журналдарды алдын ала төлеу қажет.

Есіңізде болсын: әр ай үшін 4250 теңгеден жеке-жеке төленуі тиіс. Яғни жарнаны бір жылғы сома ретінде төлеу қате болып саналады, сондықтан мәртебе берілмейді.

Сақтандыру мәртебесі сізге дәл осы айда қажет болса, жылдық кезеңді осы айдан бастаңыз.

Жарналдарды банк кассалары, мобильді қосымшалар, төлем терминалдары және “Қазпошта” бөлімшелері арқылы төлеуге болады.

**Махаммаджан ҚУЖАМАНОВ,
“Ақ Ниет Plus” ЖШС
медицина орталығы
директоры.**

НУР ТАРАТИБ ЎТГАН УМР

Инсон қалбиде эзгулик уфурган нур қолади. У нур вақти келиб майдонга чиқади. У шундай зотлардан эди...

Қозоғистондаги ўзбек зейлилари жамияти, кенг маънода бутун мамлакатимизнинг маърифатпарвар қатлами оғир мусибатни бошидан кечирди. Юксак тафаккур, халқчиллик, теран билим ва ибратли ҳаёти билан эл ва жамият ҳурматиға сазовор бўлган фидойи устоз-муаллим, баркамол инсон, халқ дарди билан яшаган меҳрибон аёл – Нуринисо (Нурхон) Дўсматова оламдан ўтди.

У нафақат устоз, балки замоннинг тимсоли эди. Унинг ҳаёти, ижтимоий-илмий фаолияти ва қалб юрагида ёнадиган эзгулик чироғи – бугунги авлод учун ибрат мактаби бўлиб қолади.

ҲАЁТ ЙЎЛИ – ЗИЁ ЙЎЛИ

1956 йили Шимкент шаҳридаги зейлилар хонадониде таваллуд топан Нуринисо Дўсматова болаликдан илгма муҳаббат, жамиятга садоқат туйғулари билан камолга етди. У ўз илмий салоҳиятини Ўзбекистоннинг нуфузли олий ўқув юрти – Фаргона шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги давлат институтиде мустаҳкамлади.

Фаолиятини Шимкентдаги ўзбек мактабларида бошлаб, йиллар давомида нафақат ўқитувчи, балки ўқув-услубий ишлар бўйича раҳбар лавозимларида фаолият юритди. Унинг қаламига мансуб 5-11-синфлар учун “Ўзбек тили” дарсликлари, ўрта муддатли режалар, дарс ишларига доир дастурлар ва ўқув қўлланмаларидан ҳозирги кунда ҳам юзлаб ўқитувчилар фойдаланмоқда. Унинг “Навоийшунослик” фанидан тузган дастури, услубий мақолалари таълим соҳаси учун муҳим манба ҳисобланади.

41 йиллик фаолияти давомида Нурхон Дўсматова наинки билим, балки маънавият, таълим-тарбия билан машғул бўлди. Ўзбек мактабларида ўз ўрни ва обрў-эътиборига эга эди.

ЖАМИЯТ ХИЗМАТИ – ҚАЛБ СИНОАТИ

Нурхон Дўсматова нафақат таълим соҳасида, балки жа-

миятда энг оғир ва масъулиятли вазифаларни ҳам зиммасига олган эди.

У Қозоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раисининг маданият, таълим ва гендер масалалари бўйича ўринбосари, шунингдек, Шимкент шаҳар Ал Форобий тумани УЭМБнинг фаол ва ташаббускор раҳбарларидан бири эди.

“Биз – бир халқимиз”, “Тилга ҳурмат – элга ҳурмат”, “Аёл ва жамият”, “Давлат тили – дўстлик тимсоли”, “Мушоира”, “Офарин” ва яна кўплаб тадбирлар, маданий-маърифий анжуманлар, китобхонлик лойиҳаларида унинг имзоси, сўзи, салоҳияти бор эди.

Унинг ташаббуси билан Ал Форобий туманидаги кам таъминланган юзлаб оилалар учун Наврўз байрамлари ташкил этилди, суннат тўйлари ва хайр-эхсон тадбирлари ўтказилди. Табиий офатлар вақтида уюштирилган “қайғурганлар бағрида бўлиш” тамойилли асосидаги хайрия қарвонлари унинг қалб кенглигидан, инсонпарварлигидан дарак беради.

МУКОФОТЛАР – ҚАЛБЛАРГА БИТИЛГАН ҲУРМАТ

Унинг фаолияти, жамиятдаги ўрни кўплаб мукофотлар билан эътироф этилган: ҚХА ташаккурномалари, “Бирлик” олтин медали, Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг



Фахрий ёрлиқлари, маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотларининг эътирофлари – бутларнинг ҳар бири халқнинг чуқур муҳаббати тимсолидир.

Энг муҳими, у юзлаб, минглаб инсонлар қалбиде эзгулик ва меҳр билан ёд этилади.

Ҳаётдан ўтса ҳам, қалблардан ўчмайди

Қозоғистон халқи Ассамблеяси раисининг ўринбосари Марат Разилов томонидан эълон қилинган таъзия ҳам бу жудоликнинг оғирлигидан дарак беради.

Нуринисо Дўсматова нафақат салоҳиятли мутахассис, балки ўз оиласида меҳрибон она, садоқатли турмуш ўртоқ, марҳаматли буви эди. Унинг ҳаёти, эътиборли фаолияти, меҳнаткаш ва самимий ҳаёт тарзи ортидан нурли ном қолади.

Марҳумага Яратгандан раҳмат, аздорларга эса сабр ва бардош тилаймиз. Марҳумлар тилқиде меҳр ва эътибор тарқатган бўлса, энди хотираси қалбларда абадий яшайди.

**Ф. ҚОРАТОВЕВ,
жамоат арбоби.
З. МУМИНЖОНОВ,
ҚР Ёзувчилари
уюшмаси аъзоси.
Ҳ. МУХИДДИНОВ,
жамоат фидойиси.
А. БҮРҒОНБЕКОВ,
журналист.**

Мақтаарал тумани, Янги йўл қишлоқ округининг Фирдавсий аҳоли манзилида “Бирдамлик – олтиндан қиммат” мавзuida ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустақамлашга бағишланган учрашув ўтди.

Бу ҳақда “Жамоат тотувлиги” ДҚКнинг туман бўлими ижтимоий тармоқдаги саҳифасида хабар қилди.

Унда вилоят “Жамоат тотувлиги” ДҚКнинг туман бўлими раҳбари Азимхан Жўлдасов, Мақтаарал туман оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари Аскар Елшиев, “Ёшлар имконият маркази” директори Нуркен Ушантаев, туман мавқе маркази мутахассиси Нурислом Юсупов, шунингдек, тожик этномаданият бирлашмасининг фаол аъзоси Тилло Файзиев ҳамда қишлоқ фуқаролари иштирок этди.

Учрашувда қилинган маърузалар – халқ қалбига яқин, юракдан чиққан сўзлар тингловчилар қалбиди чуқур таассурот қолдирди. Тадбир иштирокчилари томонидан миллатлараро муносабатларнинг



аҳамияти ижтимоий жараёнлар ва давлат дастурларининг мазмуни ҳақида теран мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилиш якунида Азимхан Жўлдасов сўзга чиқиб,

ҲАМЖИҲАТЛИК – БЕБАҲО ҚАДРИЯТ

жамиятдаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳар бир фуқаро масъул эканлигини таъкидлади.

Бу учрашувлар фуқароларнинг сиёсий онгини юксал-

тириш, жамиятда тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустақамлашда муҳим ўрин тутди.

М. УСМОНОВА.

»» Москва олимпиадасига – 45 йил

ТУРКИСТОНЛИК М. УМАРОВ ВОЛЕЙБОЛ МУСОБАҚАЛАРИГА ҲАКАМЛИК ҚИЛГАН

1980 йили Москва шаҳрида ўтган XXII ёзги олимпиада ўйинлари ҳақон миқёсидаги спорт анжумани сифатида тарихда қолган.

Волейбол бўйича Бутуниттифоқ даражадаги ҳақам, туркистонлик Мамаш Умаров Москва шаҳрига халқаро ўйинларга ҳақамлик қилиш учун таклиф қилинган. Бунга қадар у уч марта ҳар тўрт йилда бир марта ўтадиган СССР спартакиадасига ҳақамлик қилган. ҚР Президенти Н. Назарбаевнинг кубоги учун 1993-2012 йиллар оралиғида ўтган халқаро турнирда Венгрия, Польша, Хитой Республикасида волейбол ўйинларига ҳақамлик қилган.



Мамаш Умаров 1937 йили 19 декабрда Туркистонда туғилди. Ҳамза номли мактабда ўқиди. Олий маълумотни Алматыдаги жисмоний тарбия ва спорт институтида олди. 1958-1998 йиллар оралиғида Туркистон туман ва шаҳар спорт ҳамда жисмоний тарбия қўмитасига самарали раҳбарлик қилди. М. Умаров Ҳамза номли мактабда ўйингоҳ атрофини гувала кесақдан ҳашар йўли билан қўршаш ташаббусини кўтариб, мақсадига эришган.

Шаҳар партия қўмитаси биринчи котиби Р. Ибраевага бир неча марта мурожаат этиб, О. Жарилқапов ўйингоҳини таъмирлаш, Балуан Шўлақ ўйингоҳини ҳашар йўли билан қўриш масаласини ижобий ҳал қилишга эришган. Олим-



пиада чемпиони Б. Саттарханов хотирасига бағишланган халқаро мусобақаларни ташкил этишда хизматлари кўп.

Умр йўлдоши, Туркистон туман марказий кутубхонаси мудираси Зинаида Яковлевна билан Тамара, Дилара, Аркадий исмли олий маълумотли фарзандлар тарбиялаган. Тамара – кўп йиллар М. Жумабаев номли мактабга самарали раҳбарлик қилди. Дилара Шимкентда олий маълумотли шифокор. Аркадий ота издан бориб, спорт соҳасини танлаган.

М. Умаров Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, СССР жисмоний тарбия ва спорт соҳаси аълочилиги, Қозғоғистонда хизмат кўрсатган мураббий, СССР спорт устаси – бундай залворли унвонлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. М. Умаров сўғлом турмуш тарзига амал қилди. Касал бўлиб кўрпа-тўшак тор-

тиб ётмади. Ҳаётдан кетиши ҳам спортчиларга хос бўлди. М. Умаровнинг шогирди, ҳамкасби, кўшниси, Ҳамза номли мактаб жисмоний тарбия фани устози Бахтиёр Абдураимов шундай эслайди.

– Устоз Мамаш Умаров билан ҳар оқшом Қазибекбий кўчаси дарвоза олдидаги ўриндиқда ўтириб, спорт янгиликларини муҳокама қилиб, дилдан суҳбат қураддик. Одатдагидек, ўша оқшом эртага яна учрашиш аҳди билан тарқалишдик. Эртаси куни эса Мамаш Умар ўғлининг фонидан чин дунёга рихлат қилгани хусусидаги машъум хабардан воқиф бўлдим. Унинг ҳаёти ва фаолияти ўзи тарбиялаган юзлаб иқтидорли шогирдлари ютуғида давом этишига ишонаман.

**Хусан УБАЙДУЛЛАЕВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.**

Тасвирларда: М. Умаров; М. Умаров ҳамкасб шогирдлари билан; М. Умаров – Москвада ҳақамлик пайтида.

Р.С. Мамаш Умаровнинг шогирди, кураш бўйича республика чемпиони Ирискул Сулаймоновнинг қаламига мансуб “Туркистоннинг спорт тарландары” китобиди шу соҳанинг машҳурлари, хусусан, Мамаш Умаров ҳаёти ва фаолияти тўғрисида батафсил маълумотлар мавжуд.

»» Во ажабо!

ГУЛ БОЗОРИДАГИ ФИРИЎГАРЛИК

Ёшлигимдан настарин гулини жуда ёқтираман. Ҳовлимга шу гулнинг кўчатини ўтқазиб мақсадиди Шимкент шаҳридаги “Ёпиқ бозор”дан бир дона кўчатини сотиб олдим. Илдизлари маҳкам қилиб ўралган кўчатни уйга олиб келиб, ўтқазиб мақсадиди очдим... Ишонасизми, кўчатнинг илдизи йўқ, қаламча сувли тупроққа ўраб қўйилган экан. Йиғлаб юбордим, сотган одамни роса қаргадим.

Пуллимга эмас, ёқтирган гулимга эришолмаганим учун йиғладим. Азизлар, гул кўчатини олаётганда эҳтиёт бўлинг, қараб олинг.

Қадрли “Жанубий Қозғоғистон” газетаси таҳририяти, илтимос, шу ёзган дардимни газетада чоп этинглар. Ахир гуллар ҳақида қанча ашъорлар битилиб, кўшиқлар куйланади. Уни шундай хўрлаш яхшими? Гул, дов-дарактларнинг ҳам жони

бор, улар ҳам соҳибидан норизо бўлиб, Аллоҳга илтижо қиларкан, уовли урмасин, яна.

Огоҳ бўлайлик, гуноҳ ишлардан кўрқайлик. Кўчат сотган кишининг виждони жигилдонга айланган кўринади, шу йўл билан топган пули буюрармикан?

**Санобар ТУРСУМЕТОВА,
ҚР Журналистлар
уюшмаси аъзоси.**



Тоҳир МАЛИК

Келинлар дарфтарига

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Бешинчи суҳбат:

Агар уялмасанг...



Ҳозирги кунимизда гарб мамлакатларида оилага муносабат ёмон томонга ўзгариб кетган. Ҳолбуки, аввалги замонларда уларда ҳам оила муқаддас, деб ҳисобланган. Оилага «эркинлик» мартабасининг берилиши жамиятни бора-бора издан чиқаради. Чунки «эркинлик» тушунчаси «нима истасанг қилавер», дегани эмас. Аллоҳ «мендан уялмансанг, нима истасанг қилавер», деб бекорга огоҳлантирмаган. Аллоҳдан уялмادими, демек, ота-онасидан ҳам, қариндошлари, атрофидаги бошқа одамлардан ҳам уялмайди, кенгроқ маънода олсанг, жамиятдан уялмайди. Уялмادими, жамият олдидаги бурчини унутди. Жамиятқонунларидан юз ўйрган оилалар кўпайса, бу жамиятнинг ҳолига вой эмасми!

Гарбда бугунги кунда оила бобиди бир қанча бузилишлар мавжуд:

- одамини ҳайвондан ажратиб турувчи нарса онгли равишда покиза оила қуриш. Оила деганда биз эр ва аёлнинг қўшиливини англаймиз. Лекин эркак билан эркакнинг, аёл билан аёлнинг қўшиливини «оила» деб аташ одамзотни ҳайвонот олами билан теппа-тенг қилиб қўймаймими? Бу фикрни иккинчи бор қайта таъкид этишимиз бежиз эмас. Бу ҳолатни ҳайвонот оламига ўхшатаймиз, аммо ургочи билан ургочининг, нар билан нарнинг қўшиливи ҳайвонларда ҳам йўқ. Эркакнинг эркакка интилиши юз йиллардан бери мавжуд, бироқ, жамият бундайлардан нафратланиб келган, кўпайишига йўл қўймаган. Лут алайҳиссалом қавмларига юборилган офатни эсласак, кифоя қилар? Эндилдиқда эса бундай «оила» қуришга турли мамлакатларда қонун йўли билан рухсат беришга интилиш бор. Энг даҳшатлиси шундаки, уларга бола боқиб олишга ҳам рухсат этиляпти. Улар боқувиди бола қандай тарбия кўради, ким бўлиб етишадиган?

- оила қурмай яқка-ёлғиз яшашга интилиш кучли. Маълумотларга кўра, жаҳон бўйича америкаликлар бу соҳада ҳам пешқадам экан. Эркакнинг ёки аёлнинг оила қуришдан бўйин товлаб, ёлғиз яшаш ҳам оқибатда жамиятни жар ёқасига келтириб қўяди. Илгарилари собиқ иттифоқнинг европа қисмида шундай одамлар рағбатлангиларди. «Мать одиночка» деганлари бўларди. Яъни, боланинг онаси бору отаси йўқ. Бу хонимча мутлақо оила қурмасдан кимдандир бола ортирган. Шу учун унга навбатдан ташқари уй беришгача борганлар. Мана энди Россияда аҳоли кескин камайиб кетаяпти, деб бонг уриб ўтиришибди. Утмиш гарб файласуфларидан Энгельс хотиннинг эрга бўйсунуши фақат иқтисодий қарамликка боғлиқ. Яъни, эр моддий таъминотчи, агар хотин ўзини ўзи таъминлай олса, эрга бўйсунмай қўяди, деган ғояни илгари сурган эди. Бу ғоя орадан юз йил ўтиб, ўша томонларда ўз исботини топаяпти. Лекин бу ғояни ҳаётий ҳақиқатга асосланган, деб бўлмайдми. Қайсики оилада руҳий-маънавий тушқунлик ҳукмрон бўлса, бу ғоя ҳам яшайди. Танҳо яшовчи одамнинг (у хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин) ҳаёти, қанчалик яхши таъминлаганидан қатъиназар, қашшоқликдан иборатдир.

- биз томонларда оила бузиладиган бўлса, эр талоқ қилади ёки хотинни ташлаб кетади. Европада эса акси: эрни хотин ташлаб кетади. Русларда «Брошенный муж» деган ибора бор. Уларда хотини ташлаб кетган эр нима қилиши керак, деган муаммо ҳам мавжуд. Хотин эрни ташлаб кетди, дегани отасининг уйига бориб турибди, дегани эмас. Хотин эрни нима учун ташлайди? Севмай қолгани учун. Уларда севиб қолиш ҳам осон, севибдан айниш ҳам осон. Хотинга бошқа эркак ёқиб қолса, эрга: «ранжиманг, мен бошқани севиб қолдим», деб кетаверади. Бу ўринда оила фақат бузуқлик туфайли бузилади.

Биринчи ҳолат ҳам, иккинчи-учинчиси ҳам юқумли хасталикка ўхшайди. Тез тарқалади, давоси эса ғоят мушкул. Оқибат эса миллатнинг йўқ бўлиб кетишигача олиб бориши ҳеч гап эмас. Бизда ҳам бу касаллик нишонлари кўриниб қоляпти. Зийракликни бой берсак, кечикиб қолишимиз мумкин.

Қишлоқларда сезилмайди, аммо шаҳарларда эрдан ажралганидан кейин «агар эр шунақа бўлса, бети қурсин, жонимни кийнамай, эрсиз яшайман», деб, бошқа турмуш қурмай яшовчи аёллар сони камайётгани йўқ. Биз бу аёлларни бузуқликда айбашдан йироқимиз. Лекин оила билан яшасалар, ўзлари учун ҳам, жамият учун ҳам дурустроқ бўлади. Яширишнинг ҳождати йўқ, ким «фалончининг қизи эрдан ажраб кўп қаватли уйда ёлғиз яшаркан», деб эшитса, хаёлига дарров шум фикр келади. Қўшни аёллар ҳам ёлғиз яшовчи хотинни тинмай кузатишади, гийбат қилишади. Агар бирон бегона эркакнинг меҳмон бўлганини билишса, тамом, «достонлар» битилаверади.

Олтинчи суҳбат:

Зуриёт

Турмуш қурмай ёлғиз яшаш гарбликлар учун янгилик эмас. Насроний дини тобелари орасида таркидунёчилик одати бор. Насронийлар бунинг учун махсус дайр(роҳиблар яшайдиган монастыр)лар қурадилар. Роҳибларга уйланиш, роҳибаларга турмушга чиқиш ман этилади. Улар «Уйланиш ва фарзанд ортириш кишини Ҳақ хизмати-дан ва Худога яқин бўлишдан четлаштиради», деган ақидага асосан турмуш қурмасликни қилишдан деб билишади. Оила қуриш, унинг ташвишлари қаршисида эркин яшаш роҳати туради. Агар одамзот ихтиёрий ўзида бўлганида шу роҳатдан бошқасини истамаган бўларди. Аммо Аллоҳ эрнинг ҳам, аёлнинг ҳам мижозига шахватни қўшиб берганки, ана шу шахват тақозосига кўра, улар бирга бўлиши истаб, оила қурадилар. Шу сабабли башарият насли Аллоҳнинг иродасига кўра охиратгача сақланиб қолади. Шахват тақозоси деганимиз бир сабаб. Аслида оила қуриши, насл қолдириши Аллоҳ ирода этган, бандаларга фарз қилган. «Бақара» сурасида бундай маъноларни ўқиймиз: «Хотинларингиз сизларнинг экинзор ерларингиз бўлади (бу билан Қуръон эр-хотиннинг яқинлашувидан биринчи муддао – фарзанд талаб қилиш эканига ишора қилмоқда). Зироат ерлари уруғ сепганда самара беради. Хотин ҳам экинзордир ва ҳосили – фарзанд. Бас, ўз хотинларингиз билан фарзанд ниятида алоқа қилинг ва келажакда ўзларингиз учун фарзанд тарбияланг. Аллоҳдан қўрқинг, унинг қаҳрига илинмангиз. Бас, туғилиш ва висол учун берган қувватни бекор қолдирманг ва зое қилманг. Эй Мухаммад, саодат муждасини (жаннат хушхабарини) иймониларга бергин».

Демак, уйланиш ва оила қуриш иймон талабларидан бири экан. Буни дунёвий мисол билан шарҳласак: бир одам ижарага ер олди, деҳқончилик қиламан, дегани учун унга банк маблағ ҳам берди.

(Давоми бор).

Директор – Бош муҳаррир учун
Муроджон АБУБАКИРОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибоб – Мунира САҲДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентоғ, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги фактлар ва ахборотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КҚ34ҲҲУ00022503 гувоҳнома берилган.
“ERNUR”нинг “МБ” бошқарувида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимуков кўчаси, 22.

Биринчи
1665.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВ.ЮНОВА.